

**“G’alla-Alteg” АЖ акциядорларнинг навбатдаги 2023 молия йили якуни  
бўйича йиллик умумий йиғилиши 1-сонли баённомаси**

**2024 йил 25 июнь**

**Тошкент шаҳри**

*Ўтказилиш жойи – Элбек кўчаси, 37 уй “G’alla-Alteg” АЖ мажлислар  
зали. Йиғилиш бошланиш вақти – 10.00*

Акциядорлик жамияти Кузатув Кенгаши номидан Кузатув Кенгаши раиси Ш.Донаев сўзга чиқиб, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини очиш учун акциядорларни рўйхатга олиш натижаларини кўриш ва кворумни аниқлаб олиш зарурлигини айтди. Сўз ҳисоб комиссияси раиси О.А.Гафуровага берилди.

О.А.Гафурова 2024 йил 19 июнь ҳолатига ёпилган акциядорларнинг реестри бўйича навбатдаги умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган 2 557 377 овозга эгаллик қилувчи 664 та акциядор киритилганлигини маълум қилди. Ҳисоб комиссияси натижаларига кўра, ушбу йиғилишга 1843253 дона овоз берувчи акцияларга эгаллик қилган 19 та акциядор қатнашаётганини, бу умумий жойлаштирилган акцияларнинг 72,07% ини ташкил қилганини ва йиғилишни очиш учун қонунчиликда белгиланган миқдорда кворум етарлигини айтди.

Кворум мавжудлигини ҳисобга олиб, акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини очиш таклифи берилди ва овозга қўйилди.

Акциядорлар томонидан ушбу таклиф бир овоздан қабул қилинди.

Акциядорлар томонидан қуйидаги 3 кишидан иборат умумий йиғилиш президиумини сайлаш таклифи берилди:

1. Кузатув Кенгаши раиси Донаев Шероли Бурханович.
2. Жамият Бошқарув раиси Хошимхонов Жалол Комолович
3. Бош ҳисобчи Эшмаматов Абдумурод Махмудович

Навбатдаги йиллик умумий йиғилишини олиб бориш учун Кузатув Кенгаши раиси Донаев Шероли Бурханович, умумий йиғилиш котибалигига акциядорлар томонидан Акромова Лобар Худайбергандовнинг номзодини тасдиқлаш учун таклиф киритилди ва овозга қўйилди. Акциядорлар томонидан умумий йиғилиш раиси ва котибаси бир овоз билан тасдиқланди.

Йиғилиш раиси – Ш.Б.Донаев

Йиғилиш котибаси - Л.Х.Акромова

Кузатув Кенгаши томонидан санок комиссиясига қуйидаги номзодларни сайлаш таклифи берилди:

1. Гафурова Озода Акбаровна – ходимлар бўлими бошлиғи
2. Халниязова Гулшода Сатимбаевна- ҳисобчи.
3. Мирзаходжаева Гулнора Шухратовна- ҳисобчи

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан санок комиссияси таркиби бир овоздан тасдиқланди. Йиғилиш раиси жамият Кузатув Кенгашининг 2024 йил 3 июндаги йиғилиш қарори билан тасдиқланган

қуйидаги акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини қуйидаги кун тартибини ўқиб эшиттирди:

1. Умумий йиғилиш ишчи органи таркибини сайлаш.
2. Санок комиссияси аъзолари сони ва таркибини сайлаш.
3. Умумий йиғилиш кун тартибини тасдиқлаш.
4. Умумий йиғилиш иш регламентини тасдиқлаш.
5. Жамият Бошқарувининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва Бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботини, ҳамда ишлаб чиқариш бошлиғининг ҳисоботини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳулосасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш юзасидан, ҳамда жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида аудиторлик ташкилотининг ҳулосасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2023 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан мустақил ташкилотнинг ҳулосасини тасдиқлаш.
10. Жамият Кузатув Кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
11. Жамиятнинг янги тахрирдаги Устав лойихасини тасдиқлаш.
12. Жамият тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.
13. Жамият Кузатув кенгаши томонидан 2023 йил 9 ноябрда тасдиқланган Бизнес режага ўзгартириш киритиш тўғрисида.
14. АЖ Бошқарув раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини узайтириш (тузиш) тўғрисида.
15. Жамият тафтишчисини сайлаш.
16. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш
17. 2024 йил учун ташқи аудиторлик ташкилотининг хизматига тўланадиган ҳақ миқдорини белгилаш

Йиғилиш раиси кун тартиби билан йиғилганларни таништиргандан сўнг, ушбу йиғилишни қуйидагича регламент билан олиб боришни ўқиб эшиттирди;

Йиғилиш раиси биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи масалаларнинг ҳар бири бўйича 5 дақиқа, бешинчи масала бўйича 15 дақиқа, олтинчи, еттинчи, саккизинчи ва тўққизинчи масалалар бўйича 10 дақиқа, ўнинчи, ўн биринчи ва ўн иккинчи масалалар бўйича 5 дақиқадан, ўн учинчи, ўн

тўртинчи, ўн бешинчи, ҳамда ўн олтинчи ва ўн еттинчи масалалар юзасидан 10 дақиқадан, қўшимча сўзга чикувчилар учун 3 дақиқадан 5 дақиқагача, ҳамда танаффус билан жами 2 соатда йиғилишни тугатиш белгиланганлигини билдириб, кун тартиби, шунингдек иш регламентини тасдиқлаш таклифини берди.

Бюллетенларда берилган йиғилиш кун тартиби, иш регламенти ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш масалалари бўйича акциядорларга берилган бюллетенлар орқали овоз беришларини, шунингдек кун тартибидаги 16 масала юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибга асосан кумулятив овоз беришлари ҳақида тушунтириб ўтди.

Йиғилиш раиси кун тартибидаги биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи масалалар акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги бешинчи масалани кўриб чиқиш таклифини киритди.

Жамият фаолиятига боғлиқ масалалар юзасидан, яъни **бешинчи масала** Жамият Бошқарувининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва Бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботини, ҳамда ишлаб чиқариш бошлиғи Х.Холбоевнинг ҳисоботи эшитилди. У 2023 йил давомида бизнес режа бўйича тегирмонда маҳсулот ишлаб чиқариш режаси – 72 100 тн. амалда, жами 45308 тн. ун маҳсулоти ишлаб чиқарилганлигини, бу режани 62 %га бажарилганини, омукта-ем ишлаб чиқариш режа бўйича 30 000 тн. белгиланган бўлиб, амалда 14 910 тн. маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режага нисбатан 49% бажарилганлигини билдиради. Жамият 2023 йил молиявий натижалари бўйича 5 833 734 минг сўм зарар билан яқунланди. Ун маҳсулотига бўлагн талабнинг пасайиши ҳисобига бизнес режага нисбатан ун маҳсулоти 37 фоиз, омукта ем маҳсулоти икки баробар кам, ҳамда ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кам маҳсулот ишлаб чиқарилган. Ишлаб чиқариш тўлиқ қувватда ишламагани боис корхонанинг молиявий ахволи зарар билан яқунланди.

Ишлаб чиқариш бошлиғи Х.Холбоев ҳам ўз ҳисоботида жамиятнинг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш жараёнларини ва ишлаб чиқариш технологияларини иш фаолиятини мунтазам равишда назорат қилиш билан бирга, жамият омборидаги бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни мунтазам равишда инвентаризациядан ўтказиш ишларини ташкиллаштириб, ишлаб чиқариш цехларининг дастгоҳлари учун талаб этиладиган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар эҳтиёжи қондирилишини таъминлаб барча цех бошлиқлари томонидан тақдим этилган рўйхатга асосан жамият эҳтиёжи учун талаб этиладиган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан қонунчиликда белгиланган тартибда сотиб олиш ишларини ташкиллаштирганлигини маълум қилди. Жумладан 2023 йил давомида эҳтиёт қисмлар учун 227 774 минг сўм, қурилиш материаллари учун 73879 минг сўм, қоп маҳсулотлари учун 346 942 минг сўм, бошқа инвентар ва хўжалик моллари учун 194 890 минг сўм, бошқа материалларга 504 948 минг сўм, ун маҳсулотига қўшиш учун

витами́нларга 575 088 минг сўм маблағ сарфланган. Ушбу маълумотларни жамиятда жорий этилган 1С программаси базасига онлайн тарзда кунлик киритиб борилишини қатъий назоратга олганлигини айтиб ўтди.

(Жамият Бошқаруви раисининг ва ишлаб чиқариш бошлиғининг хисоботи, шунингдек бизнес-режа таҳлили илова қилинади. Илова №1, №2 ва №3)

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Тасдиқлаш учун овозга қўйилди.

Кун тартибидаги бешинчи масала юзасидан овоз бериш натижалари:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
5	1 843 253 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги *олтинчи масала* буйича йиғилиш раиси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 102-моддасига асосан жамиятнинг йиллик ҳисоботини 2024 йил 03 июндаги жамиятнинг кузатув кенгаши йиғилиши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланганлигини билдириб, 2014 йил 9 октябрдаги «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборот тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2383-сонли буйруғининг 2-иловаси асосида тўлдирилган жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини йиғилиш қатнашчиларига таништирди. (2383-сонли буйруғининг 2-иловаси асосида тўлдирилган жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи илова қилинади. Илова № 4.)

Шунингдек жамият бош ҳисобчиси А.М.Эшмаматов 2023 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича тузилган жамият баланси, фойда ва зарарлар ҳисоб варағи билан таништириб 2023 йил якуни бўйича корхона 5 833 734 минг сўм зарар билан чиққанлигини билдирди. Шу ўринда жамият 2023 йил якуни бўйича дивиденд тўламаслиги, бунга корхонанинг молиявий аҳволи оғирлиги яъни, доим 2-сонли картотека мавжудлиги, бундан ташқари жамиятда ишлаб чиқариш ҳамда ун маҳсулотининг сотув ҳажми пасайиб кетганлиги сабаблари ҳақида йиғилиш иштирокчиларига тушунтириш берди.

Умумий йиғилиш иштирокчилари томонидан АЖнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, ҳамда фойда ва зарарлар ҳисоб варағи ўзаро муҳокама қилингандан сўнг уни тасдиқлаш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
6	1 843 253 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибдаги **еттинчи масала** юзасидан жамият тафтиш комиссияси раиси С.О.Юлдашбаев жамиятнинг 2023 йил молиявий-хўжалик натижалари бўйича хулосаси билан таништирди. Жамият тафтиш комиссияси томонидан жамият ҳисобот бўлимида тафтиш ўтказилиб, унда бухгалтерлик ҳужжатларининг юритилиши, ҳисоб юритилиши тартиби, асосий воситалар, дебитор ва кредиторлик қарзлар бўйича ва бошқа ҳисобот ҳужжатлари кўриб чиқилганлиги билдирилди. Жамият тафтиш комиссияси акциядорлик жамиятининг 2023 йил 1-январдан 31 декабргача бўлган даврдаги молиявий ҳисоботларни текширувдан ўтказиб, 2023 йилнинг 01 январ ҳолатига жамиятнинг жами баланси 152 260 150 минг сўмни ташкил қилганлигини, узоқ муддатли активлар 24 249 782 минг сўмни, жорий активлар 128 010 368 минг сўмни, ўз маблағлари манбаи 63 466 691 минг сўмни, мажбуриятлари 88 793 459 минг сўмни ташкил қилганлигини билдирди. Шунингдек жамият 2023 йил якуни бўйича 5 833 734 минг сўм зарар билан чиққанлигини маълум қилди. Жамиятда 2023 йил якуни бўйича йирик битим, ҳамда аффилланган шахслар билан битимлар тузилмаганлиги ҳақидаги хулосалари тақдим этилди. (Жамият тафтиш комиссияси хулосаси илова қилинади Илова №5.)

С.О.Юлдашбаевга саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Йиғилиш раиси томонидан Жамият тафтиш комиссиясининг 2023 йил натижалари бўйича хулосасини тасдиқлаш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
7	1 843 253 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

**Саккизинчи масала** юзасидан ахборот учун сўзни «MXXS BUSSINES GARANT AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори А.Узоқовга берди. У «Galla-Alteg» АЖнинг 2023 йил молиявий ҳисоботлари тайёрланиши ва ҳаққонийлиги текширилиб, аудиторлик ташкилоти томонидан ҳолисона тасдиқланганини ва ижобий ҳулоса берилганлигини, шунингдек жамиятнинг молиявий ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли фармонида асосан МХХС (МСФО) асосида тайёрланганлигини ва жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилганлигини билдириб, йиғилиш аъзоларини ушбу ҳисобот билан таништирди. (МХМС ва МХХС асосида тайёрланган 2023 йил молиявий-

хўжалик якуни бўйича баланс ҳисоботи ва жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, импорт харидлари ва валюта ресурсларидан самарали фойдаланилганлиги юзасидан берилган аудитор хулосаси илова қилинади).

(Аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади. Илова №6, №7).

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Йиғилиш раиси томонидан «MXXS BUSSINES GARANT AUDIT» МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2023 йил натижалари бўйича ва жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги асослилиги, шу жумладан, импорт харидлари ва валюта ресурсларидан самарали фойдаланилганлиги юзасидан берилган ижобий хулосасини тасдиқлаш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
8	1 843 253 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

**Тўққизинчи масала** юзасидан жамият Бошқарув раиси А.Қодиров Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4720-сонли Фармони, ҳамда “Акциядорлик жамиятларининг фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссияси”нинг 9-сонли йиғилиш баёни қарори билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув кодекси”ни 2016 йил 8 августдаги акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида жамиятга жорий этилганлигини маълум қилиб, 2023 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан мустақил ташкилот сифатида Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат корхонаси томонидан берилган хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди.

Унга кўра Жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра қониқарли деб эътироф этилганлигини маълум қилди. (Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат корхонасининг хулосаси илова қилинади. Илова №8)

Маърузачига саволлар борми?

Саволлар бўлмади.

Йиғилиш раиси томонидан Қимматли қоғозларнинг Марказий депозитарийси давлат корхонасининг 2023 йилдаги корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш юзасидан берилган хулосасини маълумот учун қабул қилиш таклифи берилиб, овозга қўйилди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
9	1 843 253 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **ўнинчи масала** юзасидан Кенгаш аъзоларидан К.Примов Кузатув Кенгашининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, 2023 йилда амалга оширилган ишлар ҳақида қисқача маълумот берди. Ўтган ҳисобот йили давомида акциядорларнинг 1 та умумий ва 12 та кузатув кенгаши йиғилишлари, шундан ҳар чоракда Бошқарувнинг жамият молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботи, бухгалтерлик баланси ва молиявий кўрсаткичлари, ички аудит хизмати бўлими ҳисоботи ва бошқа масалалар бўйича ҳисоботларни кўриб чиқиб, маъқуллаган ва тасдиқлаганлигини, шунингдек жамият Бошқарув органининг ҳар чораклик фаолиятини Вазирлар маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги 207-сон қарорига асосан баҳолаб борганлигини билдирди, шу билан бирга жамият Кузатув кенгашининг 2023 йил якуни бўйича ҳисоботини тасдиқлаш таклифини бериб, овозга қўйди.

(Кузатув Кенгаши ҳисоботи илова қилинади №9).

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
10	1 843 253 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **ўн биринчи масала** юзасидан йиғилиш раиси сўзга чиқиб, “G’alla-Alteg” АЖнинг юридик манзилени Юқоричирчиқ тумани, Т.Г.Хван (авв Дўстлик ) маҳалласи, Адолат кўчаси 2 уйдан, Яшнабод тумани, Элбек кўчаси, 37 уйга ўзгартириш, ҳамда Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устав лойиҳасига киритилган ўзгартиришлар билан тасдиқлаш таклифини берди. (Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устав лойиҳаси илова қилинади. Илова №10).

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
11	1 843 253 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** юзасидан йиғилиш раиси Жамият Бошқарувининг билдиришномасини ўқиб эшиттирди. Мазкур билдиришномада ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб, ҳамда штатлар жадвалидаги бир қанча вакант лавозимларга эҳтиёж йўқлиги сабабли оптималлаштириш ва акциядорлик жамияти ташкилий тузилмасини уларнинг тармоқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда, мувофиқлаштиришни сўраб мурожаат қилганликларини билдирди.

Йиғилиш раиси тегишли ўзгартиришлар киритиб ишлаб чиқилган жамиятнинг ташкилий тузилмаси билан акциядорларни таништириб, уни тасдиқлаш таклифини бериб овозга қўйди. (Жамиятнинг ташкилий тузилмаси илова қилинади №11.)

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
12	1 843 253 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги *ўн учинчи масала* юзасидан стратегик режалаштиришг ва бизнесни ривожлантириш бўлими бошлиғи Х.Холхўжаев сўзга чиқиб Жамият кузатув кенгаши томонидан 2023 йил 9 ноябрда тасдиқланган 2024йил учун белгиланган Бизнес-режага тегишли ўзгартиришлар киритиш кераклиги ҳақида гапирди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат улушини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-168-сон қарорига асосан “G’alla-Alteg” АЖ акцияларининг “Ўздонмахсулот” АКга тегишли 51 фоиз улуши Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2023 йил 27 декабрдаги 77-сон баёни қарори асосида “COTTON GRAIN LOGISTIKS” МЧЖ томонидан 3 томонлама (уч томонлама) шартнома асосида бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиб олганлиги муносабати билан 2024 йил 5 февралдаги 01-сонли шартномага мувофиқ корхона ҳозирда асосан мижоз томонидан тақдим этилган хом-ашёни (буғдой) қайта ишлаб, ун маҳсулотига айлантириб бериш хизматини амалга ошираётганлигини маълум қилди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аввалги Бизнес режада 2024 йилга ун маҳсулоти учун 40 000 тн., омихта-ем маҳсулоти 15 000 тн. белгиланган бўлса, ҳозирги Бизнес режада ун маҳсулоти учун 20 000 тн., омихта-ем учун 5600 тн. маҳсулот ишлаб чиқариш, 2024 йил якунига 200 000 000 сўм соф фойда олиш режалаштирилганлиги тўғрисида тегишли ўзгартиришлар киритилган. (Жамиятнинг 2024 йилга белгиланган Бизнес режаси илова қилинади. Илова № 12)

Йиғилиш раиси Жамиятнинг 2024 йилга белгиланган Бизнес режасини киритилган ўзгартиришлари билан тасдиқлаш таклифини берди.

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
13	1 843 253 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги *ўн тўртинчи масаласи* юзасидан кузатув кенгаши раиси Ш.Донаев Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик Жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 79-моддаси саккизинчи қисмида «Жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор



қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади» деб белгиланганлигини таъкидлаб, 2023 йилдаги АЖ Бошқарув аъзоларининг фаолиятлари ҳақида қисқача ахборот берди. Бошқарув аъзолари таркибига С.Абдукаримхўжаев номзодини киритиб Бошқарув раиси ва қолган Бошқарув аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини 1 йилга узайтириш таклифини бериб овозга қўйди:

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
14	1 843 253 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Йиғилиш раиси кун тартибидаги *ўн бешинчи масала* юзасидан сўз юритиб жамиятнинг янги тахрирдаги Устав лойихаси ўзгартиришларига асосан “Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йил муддатга тафтишчи сайланади” деб белгиланганлигини эътиборга олиб акциядор Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановнанинг 2023 йил 27 январдаги хатига асосан 3 йил муддатга (2024-2026 йиллар учун) тафтишчи этиб Умарова Фариди Декановна номзодини киритиш таклифини бериб овозга қўйди. (Акциядор Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановнанинг 2023 йил 12 январдаги хати илова қилинади.)

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
15	1 843 253 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Кун тартибидаги *ўн олтинчи масала* юзасидан йиғилиш раиси Ш.Донаев Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 мартдаги “Иқтисодиётда давлат улушини янада қисқартириш ва хусусийлаштиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ-168-сон қарорига асосан “G’alla-Alteg” АЖ акцияларининг “Ўздонмахсулот” АКга тегишли 51 фоиз улуши Давлат активларини хусусийлаштириш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш давлат комиссиясининг 2023 йил 27 декабрдаги 77-сон баёни қарори асосида “COTTON GRAIN LOGISTICS” МЧЖ томонидан 3 томонлама (уч томонлама) шартнома асосида сотиб олганлиги ва шартномада назарда тутилган шартлар ва тартибга мувофиқ “COTTON GRAIN LOGISTICS” МЧЖ томонидан акция пакети учун сотиб олиш тўловларининг камида 5 фоизи, яъни 4 100 000 (тўрт миллиард бир юз миллион) сўм миқдоридagi тўлов суммаси миқдорига мутаносиб равишда 2,5 фоиз улуши билан “G’alla-Alteg” АЖ реестрига киритилганлигини эътиборга олиб, “G’alla-Alteg” АЖ Кузатув кенгаши

аъзолигига Касимов Илхом Хошимович, Рузиматов Мухриддин Хусанбой ўғли, Садиров Нодир Кадирович ва Маматов Абдуолим Абдулахадович номзодларини киритилишини сўраб мурожат қилганлигини билдирди.

Шунингдек юқоридаги шартномага асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 19 апрелдаги 03/09-3-17/1504-сонли хатига асосан Давактив агентлиги бўлим бошлиғи Исроилов Дилшодбек Рустамович ва Давактив агентлигининг бош мутахассислари Ўринов Шерзод Сидиқжонович, Юнусов Шоввозбек Шавкат ўғли ва Убайдуллаев Суннатилло Тўлқин ўғли номзодларини киритиш таклиф этилган. (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 19 апрелдаги 03/09-3-17/1504-сонли хати илова қилинади.)

Акциядор Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановна 2023 йил 27 январдаги хатида Жамият акцияларининг 2,08 фоизига эгалик қилишини маълум қилиб, 2024 йил учун кузатув кенгаши аъзолигига Юлдашбаев Собиржон Ортикович номзодини киритиш таклифи берилган. (Акциядор Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановнанинг 2023 йил 12 январдаги хати илова қилинади.)

Йиғилиш раиси Кузатув Кенгаши аъзолигига берилган номзодларни сайлашда Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76-моддасида белгиланган тартиб бўйича, яъни кумулятив тарзда овоз беришларини сўради.

Бошка таклифлар борми?

Таклифлар бўлмади.

т/р	Кузатув Кенгаши аъзолари Ф.И.Ш.	Иш жойи	Розилар-дона овоз, %	Қаршилар	Бетарафлар
1.	Исроилов Дилшодбек Рустамович	Давактив агентлиги бўлим бошлиғи	1 446 730,80 - дона овоз, 11,21%	Йўқ	Йўқ
2.	Ўринов Шерзод Сидиқжонович	Давактив агентлигининг бош мутахассис	Йўқ	1843 853 - дона овоз, 100%	Йўқ
3.	Юнусов Шоввозбек	Давактив агентлигининг бош	Йўқ	1843 853 - дона овоз,	Йўқ

аъзолигига Касимов Илхом Хошимович, Рузиматов Мухриддин Хусанбой ўғли, Садиров Нодир Кадирович ва Маматов Абдуолим Абдулахадович номзодларини киритилишини сўраб муружат қилганлигини билдирди.

Шунингдек юқоридаги шартномага асосан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 19 апрелдаги 03/09-3-17/1504-сонли хатига асосан Давактив агентлиги бўлим бошлиғи Исроилов Дилшодбек Рустамович ва Давактив агентлигининг бош мутахассислари Ўринов Шерзод Сидиқжонович, Юнусов Шоввозбек Шавкат ўғли ва Убайдуллаев Суннатилло Тўлқин ўғли номзодларини киритиш таклиф этилган. (Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 19 апрелдаги 03/09-3-17/1504-сонли хати илова қилинади.)

Акциядор Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановна 2023 йил 27 январдаги хатида Жамият акцияларининг 2,08 фоизига эгалик қилишини маълум қилиб, 2024 йил учун кузатув кенгаши аъзолигига Юлдашбаев Собиржон Ортикович номзодини киритиш таклифи берилган. (Акциядор Мухамедалиева Ханифа Сулейманжановнанинг 2023 йил 12 январдаги хати илова қилинади.)

Йиғилиш раиси Кузатув Кенгаши аъзолигига берилган номзодларни сайлашда Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 76-моддасида белгиланган тартиб бўйича, яъни кумулятив тарзда овоз беришларини сўради.

Бошка таклифлар борми?

Таклифлар бўлмади.

т/р	Кузатув Кенгаши аъзолари ФИШ.	Иш жойи	Розилар-дона овоз, %	Қаршилар	Бетарафлар
1.	Исроилов Дилшодбек Рустамович	Давактив агентлиги бўлим бошлиғи	1 446 730,80 - дона овоз, 11,21%	Йўқ	Йўқ
2.	Ўринов Шерзод Сидиқжонович	Давактив агентлигининг бош мутахассис	Йўқ	1843 853 - дона овоз, 100%	Йўқ
3.	Юнусов Шоввозбек	Давактив агентлигининг бош	Йўқ	1843 853 - дона овоз,	Йўқ

	Шавкат ўғли	мутахассис		100%	
4.	Убайдуллаев Суннатилло Тўлқин ўғли	Давактив агентлигининг бош мутахассис	1 446 730,80 - дона овоз, 11,21%	Йўқ	Йўқ
5.	Касимов Илхом Хошимович	“Оҳангарон дон” АЖ Бошқарув раиси	1 560 946,30 - дона овоз, 12,10 %	Йўқ	Йўқ
6.	Рузиматов Мухриддин Хусанбой ўғли	“Бўка буғдой кластер” МЧЖ рахбари	1 560 946,30 - дона овоз, 12,10%	Йўқ	Йўқ
7.	Садиров Нодир Кадирович	Олий тоифали врач стоматолог	1 560 946,30 - дона овоз, 12,10%	Йўқ	Йўқ
8.	Маматов Абдуолим Абдулахадович	“Оҳангарон дон” АЖ	1 560 946,30 - дона овоз, 12,10%	Йўқ	Йўқ
9.	Юлдашбаев Собиржон Ортикович	"SINRIS GLOBAL PARTNERS" МЧЖ Директор	3 765 524 - дона овоз, 29,18%	Йўқ	Йўқ

Овоз бериш натижаларига кўра Исроилов Дилшодбек Рустамович, Убайдуллаев Суннатилло Тўлқин ўғли, Касимов Илхом Хошимович, Рузиматов Мухриддин Хусанбой ўғли, Садиров Нодир Кадирович, Маматов Абдуолим Абдулахадович, Юлдашбаев Собиржон Ортикович энг кўп овоз билан 2024 йил жамият Кузатув кенгаши таркибига сайландилар.

Кун тартибдаги ўн еттинчи масала бўйича бош ҳисобчи А.М.Эшмаматов жамиятда 2024 йил аудиторлик текшируви учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги ПҚ–3953 сонли ва 2019 йил 5 декабрдаги ПҚ–4544 сонли Қарорларидан келиб чиқиб, жамият бошқарув органи томонидан танлов эълон қилиниб, танлов ғолиби жамиятда 2024 йил аудиторлик текшируви учун ёлланади ва аудиторнинг хизматига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори эса 40 млн. сўм қилиб тасдиқлаш

бу эса, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 59 - моддасига асосан умумий йиғилиш ваколатига киритилганлиги сабабли тасдиқлаш таклифини берди.

т/р	тарафдорлар	қаршилар	бетарафлар
17	1 843 253 (100 фоиз)	йўқ	йўқ

Йиғилиш раиси барча кўриб чиқилган масалалар юзасидан берилган бюллетенлар орқали овозларни санаш учун сўзни санок комиссияси раиси О.А.Гафуровага берди.

Овозларни санаш учун 20 дақиқага танаффус эълон қилинди.

Танаффусдан сўнг санок комиссияси раиси овоз натижаларини ўқиб эшиттирди.

(Санок комиссиясининг 2024 йил 25 июндаги баённомаси илова қилинади. Илова №17).

Умумий йиғилиш раиси санок комиссиясининг баённомасини ахборот учун қабул қилиш таклифини берди.

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар юзасидан қабул қилинган қарорлар лойихаси ўқиб эшиттирилди.

Берилган таклиф ва қўшимчалар билан қарор лойихаси тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва бир овоздан тасдиқланди.

Юқорида баён этилганларни ва овоз бериш натижаларини ҳисобга олган ҳолда акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши

### **Қ А Р О Р Қ А Б У Л Қ И Л А Д И :**

1. Умумий йиғилиш ишчи органи қуйидаги таркибда тасдиқлансин:  
Президиум аъзолари:
  - 1) Жамият Кузатув кенгаши раиси – Донаев Шероли Бурханович;
  - 2) Ижроия органи раҳбари – Хошимхонов Жалол Комолович;
  - 3) Бош ҳисобчи – Эшмаматов Абдумурод МахмудовичУмумий йиғилиш котибаси - Акромова Лобар Худайбергановна
2. Санок комиссияси таркиби қуйидагича тасдиқлансин:  
Санок комиссияси раиси – Гафурова Озода Акбаровна  
Санок комиссияси аъзолари: Халниязова Гулшода Сатимбаевна;  
Мирзаходжаева Гулнора Шухратовна,
3. Умумий йиғилиш кун тартиби тасдиқлансин.
4. Умумий йиғилиш иш регламенти тасдиқлансин.
5. Жамият Бошқарувининг 2023 йил молиявий-хўжалик фаолияти ва Бизнес-режанинг бажарилиши бўйича ҳисоботи 1-иловага мувофиқ, ҳамда

ишлаб чиқариш бошлиғининг ҳисоботи 2 ва 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва қониқарли деб топилсин.

6. 2014 йил 9 октябрдаги 2383-сонли буйруғининг 2-иловаси асосида тўлдирилган жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш юзасидан жамият тафтиш комиссияси ҳулосаси 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг 2023 йил молиявий-ҳўжалик фаолиятини текшириш юзасидан аудиторлик ташкилоти ҳулосаси 6-иловага мувофиқ, ҳамда жамиятда харидлар жараёнининг шаффофлиги, асослилиги, шу жумладан, маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлигини ҳисобга олган ҳолда импорт харидларини, шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси 6 ва 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

9. Жамиятда 2023 йил якуни бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича «Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси» давлат корхонаси томонидан 2024 йил 28 мартда берилган ҳулосаси маъқуллансин.

9.1. Корпоратив бошқарув тизими даражаси ўтказилган баҳолаш натижаларига кўра 425 бални, яъни қониқарли деб эътироф этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.(Иловага № 8.)

10. Жамият Кузатов Кенгашининг 2023 йил фаолияти бўйича ҳисоботи маъқуллансин ва унинг фаолияти қониқарли деб топилсин. (Иловага № 9.)

11. «Galla-Alteg» АЖнинг янги тахрирдаги Устави киритилган ўзгартиришлар билан 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11.1. Жамият Бошқарув органига:

Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши таъминлансин.

12. Ишлаб чиқариш заруриятидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиришлар киритиб ишлаб чиқилган Жамиятнинг янги тахрирдаги ташкилий тузилмаси 11 – иловага мувофиқ тасдиқлансин.

13. Жамиятнинг 2024 йил учун ишлаб чиқилган Бизнес-режаси киритилган ўзгартиришлари билан 12-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

14. Жамиятнинг Ижроия органи раиси Ж.К.Хошимхонов билан 2024 йил 15 январда тузилган меҳнат шартномаси муддати узайтирилсин, шунингдек ижроия органи таркибига Бошқарув раиси ўринбосари (умумий масалалар бўйича) Абдукаримхўжаев Сирожиддинхўжа Тоирхўжа ўғли киритилсин ва қолган аъзолари (Ишлаб чиқариш бошлиғи Х.Холбоев, Бош ҳисобчи А.М.Эшмаматов, бош энергетик В.Д.Смирнов) билан Ўзбекистон

Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги” қонунининг 79-моддаси 8-бандига ҳамда жамият Уставининг 12-моддаси 1-бандига асосан 3 йил муддатга сайлансин ҳамда ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномалари 1 йил муддатга тузилсин. Шунингдек 2024 йил якуни бўйича жамиятда ўтказиладиган акциядорлар умумий йиғилишида меҳнат шартномасининг муддати кўриб чиқилсин.

15. Жамият тафтишчилигига Умарова Фарида Декановна 3 йил муддатга сайланганлиги тасдиқлансин.

- Жамият тафтишчиси ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 107-моддаси ва “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги Низом талаблари асосида амалга оширсин ҳамда ҳар чоракда жамият Кузатув кенгашига ва йил якуни бўйича акциядорлар умумий йиғилишида ҳисобот бериб борсин.

16. “G’alla-Alteg” АЖ Кузатув Кенгаши аъзолари этиб, Исроилов Дилшодбек Рустамович 1 446 730,80 дона овоз, Убайдуллаев Суннатилло Тўлқин ўғли 1 446 730,80 дона овоз, Касимов Илхом Хошимович 1 560 946,30 дона овоз, Рузиматов Мухриддин Хусанбой ўғли 1 560 946,30 дона овоз, Садиров Нодир Кадиорович 1 560 946,30 дона овоз, Маматов Абдуолим Абдулахадович 1 560 946,30 дона овоз, Юлдашбаев Собиржон Ортикович 3 765 524 дона овоз билан тасдиқлансин ва Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 29 мартдаги ЎРҚ 760-сонли Қонуни янги таҳририга асосан Жамият кузатув кенгашининг аъзолари ушбу Қонунда ва жамият уставида назарда тутилган тартибда уч йил муддатга сайлансин.

17. Жамият бошқарув органи томонидан танлов эълон қилиниб, танлов ғолиби жамиятда 2024 йил аудиторлик текшируви (МАС, ХАС) учун аудитори сифатида эътироф этилсин (ёлланилсин) ва аудиторнинг хизматига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори 40 млн. сўм қилиб тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси

Йиғилиш котибаси



Ш.Б.Донаев

Л.Х.Ақромова

Баённома имзоланган сана « 3 » июль 2024 й.